

# FUNDAMENTAL TADQIQOTLAR JURNALI

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

**ЮНУСОВ Камалдин Абзалович**

*Заҳириддин Муҳаммад Бобур номли андижон давлат университети,  
“Тарих факультети”,*

*“Ижтимоий фанлар” кафедраси профессори в.б.  
сиёсий фанлар доктори*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14647497>

## СОЦИОЛОГГРАФИЯ

### АННОТАЦИЯ

Мақолада социологграфия тушунчаси, унинг моҳияти, тадқиқот объекти, кўлами, мазкур йўналиш бўйича олиб бориладиган илмий тадқиқот ишларида қўлланиладиган назарий-методологик тамойиллар тадқиқ қилинган. Социологграфиянинг моҳияти, ўзига хос амал қилиш хусусиятлари баён қилинган. Шунингдек, мазкур тадқиқот муаммосига оид концепциялар, уларнинг асосий тамойиллари илмий парадигмалар сифатида – жамият ҳаётининг умумий қонуниятлари, унинг асосий талабларига мувофиқ бўлишлиги социология фани соҳаларининг барча йўналишлари учун ҳам концептуал аҳамият касб этиши асослаб берилган.

**Калит сўзлар:** социологграфия, социология, предмет, объект, назария, тамойиллар, ижтимоий жараён, объектив қонуният, субъектив омил, демократия.

## СОЦИОЛОГГРАФИЯ

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается понятие социологграфия, ее сущность, объект исследования, сфера применения, теоретические и методологические принципы, используемые в научных исследованиях, проводимых в этом направлении. Описана сущность социологии, особенности ее применения. Также концептуально важными для всех областей социологии являются концепции, относящиеся к данной исследовательской проблеме, их основные принципы как научные парадигмы - общие законы жизни общества, их соответствие его основным требованиям.

**Ключевые слова:** социологграфия, социология, субъект, объект, теория, принципы, социальный процесс, объективная легитимность, субъективный фактор, демократия.

## SOCIOLOGGRAPHY

### ANNOTATION

The article examines the concept of sociology, its essence, object of research, scope of application, theoretical and methodological principles used in scientific research conducted in this area. The essence of sociology and the features of its application are described. Also, conceptually important for all areas of sociology are the concepts related to this research problem, their basic principles as scientific paradigms - general laws of life of society, their compliance with its basic requirements.

**Keywords:** sociology, sociology, subject, object, theory, principles, social process, objective legitimacy, subjective factor, democracy.

2017-йилдан бошлаб Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида жиддий ўзгаришлар, жамият ҳаётининг барча соҳаларида янгилавиш, фуқаролик жамияти умумқабул қилинган тамойилларининг реал ҳаётимизда амал қилиши янада ортиб бормоқда. Айниқса, 2017-йил 7-февралда Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси”, 2022-йил 28 январда 60-сон билан қабул қилинган “Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси” тўғрисидаги фармони, ҳозирда амал қилаётган, 2023 йил 11-сентябрдаги ПФ-158-сонли “Ўзбекистон - 2030” стратегияси тўғрисида» ги фармонлари муҳим роль ўйнамоқда.

2019 йил 22 февралда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ПФ-5667 рақам билан “Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони эълон қилинди [1].

Ушбу фармон ўз моҳият-эътибори билан янги Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўта муҳим аҳамиятга эга. Чунки янгилаётиган Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини, демократик кадриятларни ҳимоя қилиш, талаба ва магистрантларнинг социологик маданияти ва тафаккурини ошириш борасида жиддий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Фармонда, юртимизда сўнги йилларда давлат ва жамият қурилишининг барча соҳасини демократлаштиришга, инновацион технологияларни жорий этишга, инсон салоҳиятини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар яратишга, аҳолининг фаровонлик даражасини оширишга йўналтирилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётганлиги кўрсатиб ўтилган.

Мазкур фармонда, олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларига социология фанидаги энг янги ютуқларни ва социологик тадқиқотлар ўтказишнинг инновацион ёндашувларини жорий этиш бўйича улар билан ҳамкорлик қилиш;

- халқаро ва хорижий социологлар ассоциациялари билан ҳамкорлик қилиш, сифатли социологик ишларни, шу жумладан, хорижда ўтказиш мақсадида консорциум ташкил этиш;

Халқаро социологлар ассоциациясига аъзо бўлиш, бутун жаҳон социологик конгресслар ва форумларда иштирок этиш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш кўрсатилган. Ушбу фармон Ўзбекистонда социология фанининг назарий-методологик асосларини ва эмпирик социологик тадқиқотларнинг жамиятимиз ҳаётидаги роли ва аҳамиятини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган фикр ва мулоҳазаларни эътиборга олган ҳолда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, илм-фан тараққиётсиз жамият ва давлат юксалишини тасаввур қилиб бўлмайди.

Мазкур мақоладада социологграфия тушунчаси, унинг моҳияти, тадқиқот объекти, қўлами, мазкур йўналиш бўйича олиб бориладиган илмий тадқиқот ишларида қўлланиладиган назарий-методологик тамойиллар баён қилинади.

“Социологграфия” тушунчаси социология, социология тарихи фанлари, ижтимоий фанлар доирасида, илмий муомалада қўлланилмаган. Шунинг учун, дастлаб ушбу тушунчани социологик фанлар қўламида амал қилиши тўғрисида фикр-мулоҳазаларимизни баён қиламиз.

Энг аввало, социология фани мумтоз вакилларининг фаннинг предмети тўғрисидаги қарашларини келтириш жоиз. Унинг вакилларидан бири, Э. Дюркгейм социология предметини ижтимоий маълумотлардан иборат деб билган [2].

Немис социологи Г. Зиммелнинг таърифича, социология - хусусий ижтимоий фанларнинг билиш назарияси [3].

Яна бир немис социологи М. Вебернинг фикрича, социология ижтимоий ҳулқ тўғрисидаги фандир. Ижтимоий ҳулқни М. Вебер инсоний муносабатлардан иборат деб билган [4].

Инсоний ҳулқ эса ўз навбатида ижтимоий моҳиятга эгадир. Юқорида келтирилган таърифлар социология фанининг туб маъзани ўзларида ифода қилади.

Социология, социология тарихи фанлари доирасида қўлланиладиган “Социологграфия” қандай тушунча? Унинг мазмун-моҳияти нимадан иборат? Тадқиқот объекти, методологияси, усуллари, предмети, жамият тараққиётидаги илмий-амалий вазифаси, илмий қиммати нималардан иборат? “Социологграфия” тушунчасининг социология тарихи фанидан қандай фарқи бор? – каби саволларнинг туғилиши табиий. Мазкур мақолада ана шу саволларга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати шундаки, ҳозирги даврда, Ўзбекистонда социология фани ва унинг доирасида олиб борилаётган социологик тадқиқотларнинг жамият ва давлатнинг ҳар жиҳатдан юксалишидаги аҳамияти, уларнинг илмий қимматини, ижтимоий-маънавий фойдалилик коофициенти кабилар билан белгиланади.

Социологграфия сўзи - социо (лотинча *societas* - «жамият»), социолог – социологик тадқиқотлар билан шуғулланувчи мутахассис ва + *grafō* - ёзиш) - сўзнинг тор маъносида, социология соҳасидаги тадқиқотлар олиб борувчи мутахассислар, улар томонидан олиб борилган ва борилаётган илмий тадқиқот ишлари натижалари, илмий-амалий асарларининг таҳлили (маълум бир мавзуга бағишланган социологик ёки социологграфия учун, масалан, Ўзбекистонда социологик концепцияларнинг социологграфикаси) дан иборат. Социолог - бу жамиятни илмий-назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилувчи, “фактлар, ҳодисалар ва статистик маълумотларга таянадиган, жамиятнинг алоҳида гуруҳлари ва турли гуруҳлар вакиллари ўртасидаги ўзаро муносабатлар билан ишлайдиган мутахассис” [6].

Социологграфия тушунчаси - социологияга оид мафкуравий, миллий жиҳатдан шаклланган социологик қарашлар, концепциялар, ғоялар ва таълимотларнинг ички бирлигига эга бўлган, социологияга оид асарлар тўплами (масалан, мумтоз социология, ноқлассик социология, марксистик, Англиядаги социологик қарашлар социологграфияси, Германия социологик қарашлар социологграфияси, француз социологграфияси кабилар) “Социология тарихи” фани доирасида амал қиладиган махсус йўналишни ташкил қилади.

Кенгроқ маънода социологграфия социология фанига оид илмий қарашлар, ғоялар, концепциялар, парадигмалар, методологиялар ва таълимотларни ўрганувчи махсус социотарихий йўналишдир. Социологграфия социологик мазмундаги асар ёзишда муаллифга, унинг манбаларига, тарихий даврга, фактларни талқиндан ажратишга, шунингдек, стилистикага, муаллифнинг хоҳишига ва маълум бир тарихий асар ёзилган аудиторияга эътибор қаратган ҳолда, илмий услубнинг тўғри қўлланилишини объектив равишда текширади, таҳлил қилади ва илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола қилади. Шу нуқтаи назардан, социологграфия социология фани тарихини ёки бошқача айтганда, социологик билимларнинг ҳозирги ва кейинги даврлардаги барча шаклларининг хилма-хиллигидаги ривожланишини ўрганадиган илмий йўналишдир.

Социология тарихи ва социологграфия ўртасидаги фарқ нимада? Социология тарихи социологик фанлардан бири бўлиб, социология фанинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва тараққиёти, мазкур фан бўйича фаолият кўрсатган мутахассислар ҳаёти ва фаолиятини, улар томонидан илгари сурилган социологик қарашлар, ғоялар ва концепциялар ва таълимотларни ўрганадиган фан ҳисобланади.

Социологграфия эса - социология фанининг ривожланишини, социологларнинг ҳаёти, фаолияти, илмий қарашлари ва улар томонидан илгари сурилган ғоялар, концепция ва таълимотларини ўрганувчи, уларни тавсифлаш ва таҳлил қилишни ҳамда социология фанининг ривожланишидаги қонуниятларни, парадигмалар, концепциялар ва таълимотларни, социологлар томонидан ўрганилаётган социологик мавзуларнинг мазмун-моҳияти, долзарблиги ва қандай илмий назарий, амалий натижа бериши мукинлигина ўрганишни таъминловчи, уларга баҳо берувчи илмий тушунча, социологик йўналишдир.

Б. Н. Елцин номидаги Урал федерал университетининг социология ва ижтимоий технологиялар кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Россия Федерациясида хизмат кўрсатган фан арбоби Зборовский Гаролд Эфимович “История социологии: классический этап” олий таълим муассасалари учун нашр қилинган дарслигида:

“Хар қандай билим соҳасида мутахассис бўлишга интиланган одам учун ҳар доим камида битта асосий савол бўлади: у танлаган илм ва унга тегишли соҳанинг амалий аҳамияти қандай? Бу савол жуда муҳим, чунки унга жавоб инсоннинг ўзи танлаган касби билан боғлиқ истиқболлари ва имкониятларини кўрсатади. Социология ҳам худди шундай фандир” – деб таъкидлайди [5].

Ижтимоий воқеа ва фактларнинг ҳақиқийлиги ва ҳақиқатини аниқлашдан иборатдир. Социология, социология тарихи фанлари ва социологграфия ўртасида қандай ўхшашликлар бор? Социология (лотинча *societas* - «жамият» ва юнонча логос - «таълимот») - жамият ҳақидаги фан, бутун жамиятнинг тузилиши, фаолияти, ўзгариши ва ривожланиши қонуниятлари, улар тўғрисидаги қарашлар, ғоялар, концепциялар, таълимотлар, ҳамда унинг алоҳида тизимлари ва кичик гуруҳларгача, шахслараро ижтимоий муносабатлар бўлган қуйи тизимлар ҳақидаги фан.

Социологграфия йўналишининг предмети – социологик тадқиқот мактаблари, анъаналар, қарашлар, концепциялар ва илмий-назарий парадигмаларнинг мазмун-моҳиятини, уларнинг мазкур замон учун қай даражада долзарблиги ва уларнинг назарий ҳамда амалий жиҳатдан ижтимоий фойда келтириш, самарадорлиги кабиларни ўз ичига олади.

Социологграфия – социологик фанларнинг узвийлиги, эмпирик компонентини тадқиқ этиш, уларнинг муаммоларини шакллантириш ва ривожлантириш, методологиясини таҳлил қилишдан иборат. Социологграфия – социология фани, шунингдек, фаннинг ва социологлар асарларининг мазмун-моҳияти тўғрисидаги концепция бўлиб, уларнинг эксперти ҳисобланади. Ушбу вазифалар мажмуаси ижтимоий ҳақиқатни, унинг объективлигини очиқ беришни ҳам ўз ичига олади.

Социология - жамият ҳақидаги фан, бутун жамиятнинг тузилиши, фаолияти, ўзгариши ва ривожланиши қонуниятлари ҳамда унинг алоҳида тизимлари ва кичик гуруҳларгача бўлган қуйи тизимлар ҳақидаги фан бўлса, социологграфия – социология ва унинг концепциялари, методология, парадигмалари, социология фани соҳалари бўйича илмий тадқиқот олиб борган ва бораётган мутахассисларнинг фаолияти, улар томонидан яратилган илмий-амалий асарлари таҳлили тўғрисидаги йўналишдир.

Социология фани муаммолари ва мавзуларининг долзарблиги жамият ҳаётининг ривожланиши билан ўзгариб боради. Социологграфиянинг предмети эса даврлар, йиллар ўтиши билан ўзгармайди. Бунда фақат асосий талаб: холислик ва объективликдир. Социологграфик йўналиш - социология фанининг моҳияти билан, социологик қарашлар, концепциялар, ғоялар, парадигмалар, методологиялар ва айрим давлат ва жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги мавжуд тартиботларнинг натижаси сифатида тушуниш мумкин. Айниқса, мамлакатда демократик тамойилларнинг тўлиқ амал қилиб бориши жараёнида социологграфия жамият, айрим олинган давлат тараққиётига кўпроқ самара келтиради. Чунки сир эмаски, ҳозирда, мамлакатимизда олий таълим соҳасида ишлаётган профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маошлари, уларга берилаётган устама ҳақларнинг оширилиши, бир томондан, олий таълимда фаолият кўрсатаётганларнинг турмуш даражаси, фаровонлигининг ошишига сабаб бўлаётган бўлса, иккинчи томондан, илм-фан, олий таълим соҳасига фақат мўмай даромад олиш, ҳеч қандай илмий-ижодий лаёқати йўқ, аммо сохта илмий ходимлар, илмий даражаларга (PhD ва DSc диссертациялар), унвонларга қинғир йўллар билан эришиб, хаттоки раҳбар лавозимларни эгаллаб олганлар кўпайиб бормоқда.

Ҳозирда, Ўзбекистонда илм-фаннинг ривожланиши интенсив эмас, экстенсив равишда бормоқда. Айниқса, ижтимоий-гуманитар фан соҳаларида, гўёки, ёш гўдак ўзини овутиши учун ўйин ўйнаб чалғитаётгандек, шу соҳалар диссертациялар тайёрлаётганлар ҳам биринчи навбатда тезроқ ёқлаб, илмий даражага эга бўлиб ижтимоий мавқеини ошириб олса ва молиявий даромадини ошириб олишни кўзлаётганлиги аён бўлади.

Аналитик кузатишларимиздан яна бир ҳақиқат аён бўлмоқдаки, кейинги пайтларда айниқса, ижтимоий-гуманитар фан соҳалари (иктисодиёт, сиёсат, ҳуқуқшунослик, ижтимоий фалсафа, тарих, социология, педагогика, психология кабилар)да, танланган муаммо, мавзу бўйича олиб борилган, ўтказилган эмпирик социологик тадқиқот натижаларини баён қилиш урф бўлган.

Илмий тадқиқотларда бу жуда ҳам зарур ва керакли талаб. Аммо бу шунчаки хўжа кўрсинга қилинаётган иш бўлиб, амалий қимматга эга эмаслиги билинмоқда. Фикримизни биргина мисол билан асослаймиз. Аксари химоя қилинган диссертацияларда ўтказилган эмпирик социологик тадқиқотларнинг динамикаси йўқ яъни маълум бир вақт давомида қайта-қайта ўтказилиши амалга оширилмаган ва бир марта ўтказиш билан чекланилган.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан шуни таъкидламоқчиманки, айниқса, ижтимоий-гуманитар фан соҳалари, хусусан, социология фани бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларининг қай даражада илмий-назарий, методологик ва амалий қимматга эга эканлигини баҳоловчи академ мустақил бўлган йўналиш зарур. Менимча бу илмий ва амалий йўналиш - социологграфия хисобланади.

Фикримизга мисол сифатида, 2024 йилда Интернетда эълон қилинган филология фанлари бўйича фалсафа доктори Феруза Манукяннинг “Илмий ишлардаги ёлғонлар: 90 фоиз плагиат диссертация, 100 дан ошиқ илмий ишга раҳбарлик қилаётган фан докторлари ва эгизак тадқиқотлар таҳлили” номли электрон мақоладасини келтиршимиз мумкин. Мазкур мақолада муаллиф, адабиётдан аранг (PhD) химоя қилган Суванов Зовқиддин бир юмалаб тилшуносликдан бир йилда (DSc) докторлик диссертациясини химоя қилганини келтиради. Ахир одамлар битта диссертация ёзишга бутун умрини бағишлашади-ку. Қандай қилиб бир йилда DSc химоя қилиш мумкин? – деб ёзади муаллиф. Оддийгина – кўчириб – деб фикрини асослайди. Суванов Зовқиддиннинг “Ўзбек бадиий матнларини лингвистик экспертиза қилишнинг назарий-методологик асослари” номли докторлик иши автореферати ва диссертациясини рус тадқиқотчилари илмий ишларидан кўчирилганини инкор этиб бўлмайдиган аргументлар билан исбот қилиб берган [7].

Яна бир мисол. 2024 йил 21 декабрда Ўзбекистон Uzreport телеканалда «Туркистон» санъат саройида «Science and Innovation Awards» халқаро илмий журналининг учинчи тақдирлаш маросими ўтказилиши намойиш қилинди [8].

Маросимда ўзбек олимлари ва ташкилотлари олти номинация бўйича эътироф этилди: «Йил олими», «Йилнинг энг яхши ёш олими», «Йилнинг энг яхши олий таълим муассасаси», «Йилнинг энг яхши нодавлат олий таълим муассасаси», «Йилнинг энг яхши илмий-тадқиқот институти» ва «Йилнинг энг инновацион университети» номинациялари бўйича тақдирлаш ўтказилди. Танловга 1500 дан ортиқ олимлар ва 200 га яқин ташкилотлар томонидан аризалар қабул қилинганлиги эълон қилинди. Мазкур тақдирлаш маросимида олий таълим муассасалари ректорлари, илмий-тадқиқот институтлари директорлари, академиклар, профессор-олимлар ташриф буюрди.

«Йилнинг энг яхши ёш олими» номинациялари ғолибига 5000 (беш минг) АҚШ доллари миқдорида пул мукофоти топширилди. Ғолибга мукофотни, тарих фанлари доктори, академик Аҳмадали Асқаров тақдим қилди. Йилнинг энг яхши ёш олими, деб топилган шахс (иктисод фанлари доктори, профессор) га академик Аҳмадали Асқаров биргина ҳақли савол билан мурожаат қилди: “Айтингчи менга, сиз йилнинг энг яхши ёш олими сифатида, Ўзбекистоннинг ривожланиши, фанимизнинг равнақи учун нима янгилик, кашфиёт қилдингиз?” Ёш олим саволга тайинлик бир жавоб бера олмади. Хаттоки, докторлик (DSc) диссертациясининг илмий янгилигидан бирорта жумлани айта олмади ва умумий гаплар билан чекланди холос. Танлов ғолибининг жавобидан академикнинг кўнгли тўлмади. Ана сизга ривожланаётган, Учинчи ренессансга асос солинаётган Ўзбекистон фани, “энг иқтидорли ёш олим”нинг савияси ва ҳолати.

Юқоридаги ҳолатлар илмий даражаларни бериш тизимини ислоҳ қилиш, зиёлиларимизнинг илмни даромад манбаига айлантириб олган сохта олимларга қарши курашиш учун бирлашиш вақти етиб келганини кўрсатмоқда. Ана шундай ҳолатлар социология фанида бўлмайди, - деб айта олмаимиз. Социологграфия – бундай негатив ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади. Чунки фан, хусусан, социология фани ҳам жамият ва давлат тараққиётига ўзларининг илмий-ижоди билан ҳисса қўшаётган изланувчилар, олимлар, худди ёш болалар ўзларини овутиши ва чалғитиши учун ўйинчоқ ўйнаганига ўхшаб қолмаслиги керак. Афсуски, ҳозирда, Ўзбекистонда бундай ҳолатлар кам эмас.

Назарий жиҳатдан тушуниш зарурати ва услубий илмий таркибий қисмлар изланиш социологграфиянинг фалсафа ва социологияга бўлган эътиборни белгилайди, бу эса методологик асосларнинг белгиловчи аҳамиятга эга эканлигини аниқлаш имконини беради. Фикримизга мисол сифатида, тиббиёт соҳасидан бир мисолни келтирмоқчиман. Ҳозирда, тиббиётда кишилардаги сурункали касалликларни даволашнинг икки жиҳати, икки методологик тамойилни кўрсатиб ўтмоқчиман.

Биринчи методология, йўналиш – эскидан анъана бўлиб келаётган, кимёвий дори-дармонларга асосланган усул бўлиб, унга асосланган муолажа маълум бир муддатгача ўз кучида бўлиб, касаллик бутунлай йўқолмайди. Чунки муайян сурункали касаллик бутунлай йўқ бўлмай, дори-дармон ўз кучини йўқотгандан сўнг эса касаллик яна зўраяди. Бемор эса касалликдан умуман фориғ бўлмайди.

Иккинчи усул, методология ёки йўналиш: организмда юзага келган касалликнинг туб моҳиятини, уни келтириб чиқараётган манбаасини бартараф қилишга асосланади. Касалликка бундай ёндашув методологик тамойили – инсонни касалликдан бутунлай фориғ бўлишига олиб келади. Шундан келиб чиқиб, тиббиёт ходимларини ҳам икки гуруҳга ажратиш кўрсатиш лозим. Биринчи тоифа кишилари, юқорида кўрсатиб ўтилган биринчи усулдан фойдаланади ва ундан ҳам моддий, ҳам ижтимоий ҳам маънавий, руҳий-психологик жиҳатдан манфаатдор бўладиганлардир. Чунки бундай даволаш усули, методология, йўналиш тиббиёт ходимини доимий иш билан таъминлайди, узлуксиз, яхши даромад келтиради ва беморларнинг унга тобелигини янада оширади.

Ҳозирда бу йўналишнинг аҳоли, айниқса кекса ёшдаги беморлар учун энг ёмон ва хавфли томони, тиббиёт соҳасининг хусусий сектори, хусусий клиникалар, касалхоналарнинг кўпайиб кетиши натижасида, касалликни даволашдан кўра кўпроқ тижорат, бизнес, моддий даромад манбаига айлантириб қўймоқда. Айниқса, касалликларни келтириб чиқарган манбаини топиб уни бартараф қилиш эмас, турли хил оғрик қолдирувчи дори воситалар, гармонлар билан касалликни вақтинчалик “нейтраллаштириш” билан чекланиб қолади.

Иккинчи йўналишда, методологияда асосий эътибор, виждонли шифокорлар (жарроҳлар) касалликни келтириб чиқараётган туб негизини излаб топиб, беморни касалликдан бутунлай хориж қилишга интилади. Бундай методология фақат тиббиёт соҳасигагина эмас, балки, жамият ҳаётининг барча соҳалари, фан йўналишлари, хусусан, социологияга ҳам тааллуқлидир. Чунки жамият ҳам тирик организмдир. Унинг жуда кўплаб касалликка чалинган органлари борган сари кучайиб бормоқда.

Социологграфия социология фани доирасида, илмий муомалада ҳозирга қадар мутлақо қўлланилмаган тушунча ҳамда ўрганилмаган йўналиш бўлиб, ўзининг методологик, илмий-назарий тамойилларига эга. Ҳозиргача фалсафа, ижтимоий фалсафа, социология каби ижтимоий фанларда қўлланилаётган методологик тамойиллар, юқорида келтирилган тиббиёт соҳасидаги биринчи ёндашув каби самарасиз бўлиб қолмоқда. Улар, ижтимоий воқеаликдаги ўта долзарб муаммоларни бартараф этишга ожизлик қилиб қолмоқда. Шунинг учун, жамият ҳаётидаги ижтимоий муаммоларни янгича методологик ёндашувлар, методологик тамойиллар билан бартараф этиш мумкин.

Социологграфиянинг объекти сифатида, социология фани доирасида ижод қилган ва ижод қилаётган мутахассис (талабалар, магистрлар, PhD ва DSc бўйича диссертация мавзуларини олаётган, тайёрлаётган, илмий тадқиқот ишини олиб бораётган, илмий ва ўқув адабиётларини нашр қилган ва қилаётганлар)ларнинг фаолиятига баҳо бериш, уларнинг жамият ҳаётидаги, хусусан, Ўзбекистоннинг ривожланишидаги илмий қиммати, яроқлилиги, социологларнинг дунёқарашига таъсири жараёнлари ташкил қилади.

Социологграфик тадқиқотларнинг предмети – социология фани доирасида яратилган ҳар қандай илмий-амалий ишлар ва уларнинг кишилар дунёқарашининг юксалишига олиб келадиган омиллар ташкил этади.

Социологграфик тадқиқотнинг усуллари: энг аввало, холислик, диалектик ёндашув, тизимли ёндашув, тарихийлик ва мантиқийлик, гносеологик ва аксиологик таҳлил каби методологик ёндашувлар, тамойил ва усуллар ташкил қилади. Социологграфик илмий изланишлар жараёнида анализ ва синтез, кузатиш, қиёсий таҳлил, ворисийлик, умумлаштириш, комплекс ёндашув каби тадқиқот усуллари кенг фойдаланилади.

Социологграфик тадқиқотларнинг амалий натижаси нималардан иборат бўлади? Ҳозирда, Ўзбекистонда олиб борилаётган социологик тадқиқотларда ягона концептуал ёндашувнинг мавжуд эмаслиги, уларнинг илмий қиммати жамият тараққиётида етарлича илмий-назарий ва амалий самара бермаётганлиги каби муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади. Шунинг учун социологграфика мазкур муаммоларни бартараф этишда социологлар ўртасида илмий-назарий, амалий ишларни амалга оширишда муҳим амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг натижалари, ундаги илмий хулоса ва таклифларнинг амалиётга жорий этилиши, келажакда социологик тадқиқотларнинг илмий-назарий, методологик ҳамда амалий жиҳатдан самарадорлигини, жамият тараққиётида ўзининг муҳим аҳамиятини намоён қилади.

Социологграф ишининг мақсади социологлар томонидан илгари сурилган ва ҳозирда илгари сурилаётган парадигмалар, концепция, таълимот, назарий қарашлари ва амалий фаолият тажрибасини ўрганиш ва баҳолашдир.

Социологграфиянинг предмети нафақат социологик манбалар таҳлиliga асосланган ўтмиш ҳақидаги илмий билимларни, тадқиқотнинг махсус илмий усуллари қўллаш ва ўтмишни назарий тушунишни, балки социологик билимларнинг кенгроқ жиҳати – социологик тафаккур тарихи ва замонавий ҳолатини ўз ичига олади.

Социологграфик тадқиқотларнинг бир қанча методологик тамойиллари мавжуд:

- 1) ҳар қандай ижтимоий муаммо бўйича муносабатлар, ёндашувлар мажмуи;
- 2) маълум бир давлат ва тарихий даврнинг натижаси (масалан, совет даври социологграфияси, америка социологграфияси, Ўзбекистон социологграфияси);
- 3) Ижтимоий-тарихий давр нуқтаи назаридан, муайян назарий концепция ва таълимотга асосланган ижтимоий-сиёсий асарлар социологграфияси (масалан, позитивизм фалсафасига асосланган мумтоз социология намоёндалари (О.Конт, Г. спенсер, Э. Дюркгейм) - позитивистик социологграфияси, марксизм назариялари – марксистик социологик таълимот социологграфияси; XX ва XXI аср АҚШ социологграфияси кабилар);
- 4) социология фанининг вужудга келган даврдан бошлаб ҳозирга қадар бўлган ривожланиши, унинг алоҳида бўлимлари (умумсоциологик назариялар социологграфияси, америка социологграфияси, махсус ижтимоий тармоқлар социологграфияси, эмпирик тадқиқотлар социологграфияси кабилар).

Социологграфия методологик тамойиллари энг аввало, эмпирик тадқиқотлар, контент, аналитик таҳлилларга асосланади. Уларсиз социологграфик тадқиқотларнинг бўлиши мумкин эмас. Социологик тадқиқотчиларнинг асарлари - монографиялар ёки алоҳида мақолалар энг муҳим социологграфия манбаларидир. Бундай манбалар социологграфик мазмундаги илмий мунозаралар материаллари ва олимлар асарларининг ижтимоий аҳамиятини аниқлашга ёрдам берувчи асосий манбаалар ҳисобланади.

Социологграфиянинг асосий объектларига социологик тенденциялар, йўналишлар, мактаблар киради ва улар доирасида тушунчалар ва назариялар яратилади. Социологграфия, социологик мазмунда яратилган асарларда қўйилган муаммолар (масалан, позитивизм доирасида - тарихий-иқтисодий, социологик йўналишлар) нинг нечоғлик замонга мослиги ва зарурияти, илмий ва амалий қимматга эга эканлигини баҳолайди ҳамда изоҳлайди. Жамият эса ижтимоий-руҳий ўзаро алоқадорликка эга бўлган бирликлар мажмуидан иборат. Умумий социология худди шундай ўзаро алоқадорликлардан иборат жамият ҳаётини ўрганади.

Кенгроқ маънода социологграфия - социология фани тарихи ва ҳозирги даврга тааллуқли бўлган социологик манбани ўрганувчи махсус социо-тарихий йўналишдир. Социологграфия - социологик асар ёзишда муаллифга, унинг манбаларига, фактларни талқиндан ажратишга, шунингдек, стилистикага, социологнинг хоҳишига ва маълум бир социологик асар ёзилган тарихий даврга эътибор қаратган ҳолда, методология, концепция, илмий услубнинг нечоғли тўғри қўлланилишини текширади [6].

Эскириб қолган дунёқараш, эскича моддий ва маънавий муносабатлар ўз ўрнини янгисига осонликча бўшатиб бермайди. Бунинг учун маълум вақт керак. Социологграфия шу вақт давомида маънавиятда рўй бераётган ўзгаришларни аниқлашга ва илмий асосга эга бўлган тадбирлар, назарий-методологик тамойилларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Янгиланаётган Ўзбекистон ижтимоий ҳаётидаги мавжуд тизимлар таркибий-функционал ҳолатини социологграфик тадқиқотлар орқали аниқлаш ва ўрганиш муаммоси ҳам ҳозирги куннинг энг муҳим масалаларидан биридир. Уларнинг ичида миллий тузилиш ва турли миллатларнинг ўзаро аҳил яшашини таъминловчи омилларни кучайтириш йўллари аниқлаш; онла, ёшлар билан боғлиқ бўлган мавжуд муаммоларни жиддий таҳлил қилиб, реал тадбирлар ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ қилиш; ҳозирда фаолият кўрсатаётган мавжуд салбий характердаги турли гуруҳлар: гиёҳвандлар, ишсизлик, бекорчи саёқлар, ўзгалар ҳисобига кун кечнрадиган бошқа тузилмаларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий вазиятига, маънавиятига ва кишиларнинг ижтимоий турмуш тарзига етказётган катта зарарига ва бу гуруҳлар фаолиятига чек қўйиш каби муаммоларин ўрганиш муҳимдир.

Жамиятимизда кузатилаётган ижтимоий ўзгаришлар ва жараёнлар социология фани, хусусан, социологграфиянинг диққат марказида туриши лозим. Социологик фикрлашнинг энг муҳим жиҳати жамият ҳаётида инсон шахсини тушунишдан иборатдир. Шахсга бўлган социологик нуқтаи назарнинг ўзига ҳослиги шундан иборатки, шахс ижтимоий воқеаликни ўзгартирувчи фаол мавжудотдир. Чунки социологграфия доирасида социологик тафаккур даражаси муайян давлат ва жамиятда устувор бўлган ижтимоий-сиёсий тузум, тартиботнинг қандай эканлиги билан ҳам ўрганилади.

Масалан, Совет Иттифоқи – Шўро тузуми даврида социологиянинг фан сифатида ривожланиши учун тўла имконият бўлмади. Бунинг асосий сабаби, демократиянинг йўқлиги, умуминсоний, миллий, диний кадрятлар, ижтимоий адолат тамойиллари, инсон кадр-қиммати топталиб, ижтимоий муносабатларга фақат синфийлик, партиявийлик нуқтаи назаридан қаралганлиги бўлди. Тоталитар тузумга асосланган давлат манфаатлари ҳар қандай инсоний манфаатлардан устун қўйилди.

Социология эса инсон манфаатлари устувор бўлган ва фақат тўлақонли демократик тамойиллар амал қилган тақдирдагина фан даражасида амал қилади. Чунки, социология моҳият эътибори билан жамият ҳаётининг ўзаро боғлиқ бўлган сиёсий, иқтисодий, маънавий ва ижтимоий турмуш, соҳалари ривожланиши ва функционал қонунларини объектив жиҳатдан илмий таҳлил қилишга асосланади.

Бинобарин, эмпирик тадқиқот даражасида олинган маълумотлар ўрганилаётган объектнинг салбий жиҳатларини ҳам ифодалаши мумкин.

Кишиларнинг давлат сиёсатига, мавжуд сиёсий режимга муносабатини моддий турмуш даражаси, кайфияти, интилишлари ва шу каби муносабатларни эмпирик социологик тадқиқ қилиш орқали мамлакатдаги мавжуд ижтимоий-сиёсий ҳолат юзага чиқарилади.

Фақат тўлақонли демократия тамойиллари амал қилгандагина мавжуд сиёсий кучларнинг фикрлар хилма-хиллигига йўл қўйилади.

Ушбу йўналишнинг ривожланиши бошқа илмий йўналишлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Буларга социологик ҳужжатларни контент таҳлил қилиш ва ўрганиш билан боғлиқ билимларни тизимлаштириш ва социологик библиография, социологияга оид манбалар ва адабиётларни каталоглаш билан шуғулланишни ҳам тақозо қилади.

Юқорида баён қилинган фикрлардан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Социологграфия социология, социология тарихи фанлари доирасида ва таркибида, социологлар томонида ўрганилаётган ижтимоий бирликлар, гуруҳлар, ташкилотлар, тизимлар, жараёнлар ва муносабатларнинг юзага келиши, функционаллашуви ва ривожланиши қонуниятларни замонавий тарзда ўрганувчи илмий-назарий йўналишдир. Мазкур таъриф социологграфиянинг мазмун-моҳиятини англатади;

2. Замонавий жамиятда социологграфиянинг долзарблиги ва роли нафақат илмий, академик муаммоларни ҳал қилишга қаратилганлиги билан, балки унинг ижтимоий-сиёсий ҳаёт, тартиботга боғлиқлиги билан ҳам белгиланади;

3. Социологграфия социология фанининг ривожланишини ўрганувчи, социологларнинг қарашлари, ғоялари ва тушунчаларини тавсифлаш ва таҳлил қилиш, баҳолашни ҳамда социология фанининг ривожланиш қонуниятларини ўрганишни таъминловчи йўналишдир;

4. Социологграфия - социология фани, социологик қарашлар тарихи, ҳозирги даврдаги мазмун-моҳиятини, унинг ривожланиш жараёнлари ва босқичларини ўрганишга қаратилади;

5. Мазкур йўналишда турли тарихий даврларда муайян давлат ва жамиятда ижтимоий жараёнларни қандай талқин қилиниши ва идрок этилганини ҳам ўрганиб, социологик ғоялар ва тушунчаларнинг шаклланишини ўз ичига олади;

6. Социологграфия доирасида ижтимоий-сиёсий фикр социологиясини ўрганиш ҳам муҳим жиҳат бўлиб, у ижтимоий воқеа ва ғоялар сиёсий ва ижтимоий тушунчалар ривожига қандай таъсир қилганлигини тушунишга имкон беради.

**ИҚТИБОСЛАР. REFERENCES. СНОСКИ.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5667 рақамли “Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 2019 йил 22 февраль. Интернет сайти: <https://lex.uz/docs/>.
2. Э. Дюркгейм, О разделении общественного труда. Метод социологии Москва, 1991. 435.446 бетлар.
3. История буржуазной социологии XIX начала XXв, Москва, 1979. 183.бет.
4. М. Вебер. Наука как призвание и профессия. Избранные произведения. Москва, 1990, 627-628.бетлар.
5. Зборовский Г.Е. “История социологии: классический этап.” ОТМлари учун дарслик. Сургутский государственный педагогический университет, 2014 © Уральский федеральный университет им. первого Президента России Б.Н. Ельцина. 2014 йил, 210- бет.
6. <https://www.sravni.ru/kursy/info/sociolog/>.
7. Феруза Манукян. “Илмий ишлардаги ёлғонлар: 90 фоиз плагиат диссертация, 100 дан ошди илмий ишга раҳбарлик қилаётган фан докторлари ва эгизак тадқиқотлар таҳлили.” <https://oyina.uz/kiril/article>.
8. 2024-йил 21-декабр куни “Туркистон” санъат саройида "Science and innovation awards-2024" taqdirlash marosimi. <https://www.facebook.com>.